

*№ 3 (3) - 2023*

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ**  
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ  
ELECTRONIC JOURNAL

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**№ 3 (3)-2023**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

**Юлдашев Анвар Эргашевич** – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Мавланов Укташ Махмасабирович** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Хазраткулов Аброр** – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

**Ҳакимов Назар Ҳакимович** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

**Яхшиликов Жўрабой** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

**Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

**Ҳошимхонов Мўмин** – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

**Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна** – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### **ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Ахмедов Ойбек Сапорбаевич** – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

**Қўчимов Шуҳрат Норқизилович** – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

**Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна** – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

**Кучкаров Рахман Урманович** – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

**Юнусов Мансур Абдуллаевич** – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Сайдов Улугбек Арипович** – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **ЮРИДИК ФАНЛАР:**

**Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Эсанова Замира Нормуротовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

**Зулфиқоров Шерзод Хуррамович** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфисилиги университети;

**Хайитов Хушвақт Сапарбаевич** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Асадов Шавкат Ғайбуллаевич** – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Сайдуллаев Шахзод Алиханович** – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети.

### **ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

**Хашимова Дильдархон Уринбоевна** – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Ибрагимова Гулнора Хавазматовна** – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

**Закирова Феруза Махмудовна** – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот

технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

**Тайланова Шохидা Зайнисевна** – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### **ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Каримова Васила Маманосировна** – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

**Ҳайитов Ойбек Эшбоевич** – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

**Умарова Навбаҳор Шокировна** – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

**Атабаева Наргис Батировна** – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

**Қодиров Обид Сафарович** – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### **СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Латипова Нодира Мухтаржановна** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллый университети кафедра мудири;

**Сеитов Азамат Пўлатович** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллый университети;

**Содиқова Шоҳида Марҳабоевна** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **СИЁСИЙ ФАНЛАР**

**Назаров Насриддин Атакулович** –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура курилиш институти;

**Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич** –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллый университети кафедра мудири.

---

#### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

#### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

#### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**“Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”**  
масъулияти чекланган жамият.

#### **Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй.

#### **Электрон манзил:**

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

## **МУНДАРИЖА**

### **07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ**

*Axmedov Jasurbek, Jabborova Gavharshod*  
QANQA ARXEOLOGIK YODGORLIGINI MUZEYLASHTIRISH MASALASI ..... 9-14

*Шуҳрат Эргашев*  
ФРАНЦИЯДА ИККИНЧИ РЕСПУБЛИКА ИНҚИРОЗИ ВА 1851 ЙИЛГИ ДАВЛАТ  
ТҮНТАРИШИ ..... 15-23

*Касимова Шахноза Алишеровна*  
ПРИЕМЫ ЭФФЕКТИВНОЙ КОММУНИКАЦИИ В МУЗЕЙНОЙ ЭКСКУРСИИ ..... 24-29

### **08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**

*Файзиева Ширин Шодмоновна*  
АГРОКЛАСТЕРЛАР ВА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРУВЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ  
ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ ..... 30-35

*Musagaliyev Ajsiniaz Жумагулович, Dустова Мухайё Худайбердиевна*  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ Қўллаб-қувватлаш борасидағи айрим  
МАСАЛАЛАР ..... 36-41

*Murodova Nargiza Utkirovna*  
TURIZM MARKETING FAOLIYATIDA STRATEGIK BOSHQARUVNING AHAMIYATI ..... 42-47

*Kuchkarov Baxrom Kuziyevich, O'rmonov Xasanboy Xaydarovich*  
KOMPANIYALARNING MOLIYAVIY TO'LOVGA LAYOQATSIZLIGI XAVFINI ANIQLASH ..... 48-55

*Temirova Feruza Sagdullayevna*  
MARKETINGNING ZAMONAVIY TEHNOLOGIYASI -  
BRENDING FAOLIYATINI RIVOJLANТИRISH ..... 56-62

*Sobirova Marhabo Haitovna*  
MEVA-SABZAVOT KOOPERATSIYASINING IQTISODIY SAMARADORLIGINI OSHIRISH  
YO'LLARI ..... 63-67

*Mamajonova Gulasal Oribjon qizi*  
KORXONALARIDA ISHLAB CHIQARISH QUVVATLARIDAN FOYDALANISHNING  
SAMARADORLIGINI OSHIRISH MASALALARI ..... 68-77

*Davlyatshayev Akmal Ashurmamatovich*  
O'ZBEKİSTON IQTISODIYOTINING RIVOJLANISHIDA INVESTITSIYA RISKLARINI  
BOSHQARISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH ..... 78-87

<i>Тўхтамишов Азиз Қаҳрамонович</i>	
КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ АСОСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ МОҲИЯТИ, МАЗМУНИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ .....	88-101
<i>Каржавова Хуршида Абдумаликовна</i>	
МАҲАЛЛА ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ .....	102-110
<i>Soliyev Dilmurod Jamolovich</i>	
AYLANMA MABLAG'LARNI SAMARALI BOSHQARISH KORXONA FAROVONLIGINING ASOSIDIR .....	111-119
<i>Sultonova Mushtariy Abdulabbosovna</i>	
RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA BUXGALTERIYA HISOBINI TASHKIL ETISH MASALALARI .....	120-130

## 09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

<i>Тўраев Шавкат Нишонович</i>	
ЖАМИЯТ МАФКУРАСИ ИЖТИМОЙ САФАРБАР ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ .....	131-137
<i>Qodirov Davronbek Hoshimovich</i>	
TASAVVUF TA'LIMOTINING NAZARIYOTCHISI – ABULQOSIM QUSHAYRIY .....	138-143
<i>Sharipov Dilshod Baxshilloyevich</i>	
TINCHLIKNING UNIVERSAL (DUNYOVIIY) TARTIB BO'YICHA TAHLILI .....	144-148

## 10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

<i>Гаппаров Алибек Қаршибоевич</i>	
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЛЕКСИКАНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК АСПЕКТИ .....	149-155
<i>Fayzieva Zuxra, Sharipova Yoqt Qudratillayevna</i>	
APPLICATION OF GAME TECHNOLOGIES IN TEACHING FOREIGN LANGUAGE TO THE BLIND AND VISUALLY IMPAIRED .....	156-161
<i>Ахмедшина Лилия Рафаэльевна</i>	
РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ КОНЦЕПТОВ «МУЖ » и «ЖЕНА» В ПОСЛОВИЦАХ И ПОГОВОРКАХ.....	162-166
<i>Kholmuminova Makhliyo</i>	
DIFFERENCE BETWEEN MEANINGS IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES .....	167-171
<i>Shirinova Yekaterina</i>	
NUTQIY TAFAKKURNING PSIXOLINGVISTIK MUAMMOLARI .....	172-178

## **12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР**

<i>Кутлымуратов Фарҳад Қалбаевич</i> ЮРИДИК ШАХСНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШДА СОЛИДАР ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ .....	179-185
<i>Kasimov Nodirjon Sodikjonovich</i> QASDDAN ODAM O'LDIRISH JINOYATINING TUSHUNCHASI, TAVSIFI VA JINOIY HUQUQIY XUSUSIYATLARI .....	186-196
<i>Урманбаева Ферузахон Саттаровна</i> ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИКНИНГ ЗАРУРИЯТИ ВА МОҲИЯТИ .....	197-203

## **13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

<i>Tursunaliyev Ilhomjon Axmedovich</i> “HAYOT DAVOMIDA TA'LIM” – JISMONIY TARBIYA VA SPORT MUTAXASSISLARINI UZLUKSIZ KASBIY RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK MEXANIZMI SIFATIDA (NAZARIY JIHATLAR TAHLILI) .....	204-210
<i>Mamatqosimov Jahongir Abirqulovich</i> BO'LAJAK REJISSLARNING KASBIY KOMPETENSIYALARINI TAKOMILLASHTIRISHDA TRENING MASHQLARINING AMALIY AHAMIYATI .....	211-217
<i>Turdimurodov Dilmurod Yo'ldoshevich</i> YUQORI SINF O'QUVCHILARIDA QAT'IYATLILIK SIFATINI JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA TARBIYALASH .....	218-223
<i>Бабаходжаева Наргиза Мухитдиновна</i> ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ .....	224-229
<i>Mengliqulov Xayrulla Aliqulovich</i> HARAKATLI O'YINLAR ORQALI 14-15 YOSHLI SUZUVCHLARNING JISMONIY SIFATLARINI RIVOJLANTIRISH .....	230-236
<i>Fayzullaeva Madina Abdumumin kizi</i> ADVANCED PEDAGOGICAL EXPERIENCES IN ORGANIZING AND DEVELOPING THE EDUCATIONAL PROCESS ON THE BASE OF DIGITAL TECHNOLOGIES .....	237-244
<i>Yusupov Dilmurod Abdurashidovich</i> YADRO FIZIKASI BO'LIMLARINI O'QITISHDA INNOVATSION KOMPYUTER TEXNOLOGIYALARINI QO'LLASH ORQALI TALABALAR FAOLLIGINI OSHIRISH .....	245-254
<i>Ergashev Omonboy Turgunbayevich</i> TALABALARNING BADIY TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOIY ZARURATI VA PEDAGOGIK ASOSLARI .....	255-260

<i>Ruzmetova Novval Vahabdjanovna</i>	
THE ROLE OF FOLK TRADITIONS IN FORMING LEGAL CULTURE OF STUDENTS OF LAW SCHOOLS .....	261-269
<i>Raxmatov Otabek Urinbosarovich</i>	
BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA O'QITUVCHILARIDA MILLIY SPORT TURLARI ASOSIDA AMALIY KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI .....	270-274
<i>Makhmudov Furqat Djumaboyevich</i>	
YORUG'LIK KVANT NAZARIYASINING VUJUDGA KELISHI. YORUG'LIK KVANTI MAVZUSINI O'QITISH USULLARI .....	275-281
<i>Бабахова Гулзиба Зиятбаевна</i>	
К ВОПРОСУ МЕТОДИКИ ИЗУЧЕНИЯ ТЕОРИИ АТОМОВ ВОДОРОДА ПРИ ПРЕПОДАВАНИИ КУРСА КВАНТОВАЯ МЕХАНИКА .....	282-289
<i>Dexkanov Sherzod Abdumatalibovich</i>	
KAFEDRALARARO BITIRUV MALAKAVIY ISHLARINI TAYYORLASH – SIFATLI TA'LIMNI TA'MINLASHNING MUHIM OMILI SIFATIDA .....	290-296
<i>Ҳакимова Мұқаддас Ҳасановна</i>	
КОМПЕТЕНТЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА БҮЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ИЖОДКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.....	297-301

*08.00.00 – Иқтисодиёт фанлари*

**Каржавова Хуршида Абдумаликовна**  
Шароф Рашидов номидаги Самарканд  
давлат университети асистенти  
[karjavova87@gmail.com](mailto:karjavova87@gmail.com)

## **МАҲАЛЛА ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистонда маҳалла тизими, маҳаллаларда ижтимоий хизматларнинг роли ва аҳамияти, махаллаларда жорий қилинган вертикаль тизим, ва у асосида йўлга қўйилган лойиҳалар, ижтимоий хизматлар ва уларнинг турлари, ижтимоий хизматларнинг маҳалла инфроструктураси ҳамда аҳоли ижтимоий ҳаёти, иқтисодий ривожланишига таъсири хусусида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** Ижтимоий хизматлар, инновация, маҳалла, ижтимоийлашув, инсон капитали, ривожланиш, «Темир дафтари», «Аёллар дафтари», «Ёшлилар дафтари».

**Каржавова Хуршида Абдумаликовна**  
Ассистент Самаркандского государственного  
университета имени Шарофа Рашидова

## **ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ОКАЗАНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ СОЦИАЛЬНЫХ УСЛУГ В СИСТЕМЕ ГОСУДАРСТВА**

**Аннотация.** В данной статье рассказывается о системе соседства (махалля) в Узбекистане, роли и значении социальных служб в микрорайонах, внедренной в микрорайонах вертикальной системе и запущенных на ее основе проектах, социальных услугах и их видах, влиянии социальных услуг на инфраструктуру микрорайонов. соседство и социальная жизнь и экономическое развитие населения.

**Ключевые слова:** Социальные услуги, инновации, соседство, социализация, человеческий капитал, развитие, «Железная тетрадь», «Женская тетрадь», «Молодежная тетрадь».

**Karjavova Khurshida Abdumalikovna**  
Assistant of Samarkand State University  
named after Sharof Rashidov

## **MAIN DIRECTIONS OF PROVISION OF INNOVATIVE SOCIAL SERVICES IN THE NEIGHBORHOOD SYSTEM**

**Abstract.** This article describes the neighborhood (mahallah) system in Uzbekistan, the role and importance of social services in microdistricts, the vertical system introduced in microdistricts and projects launched on its basis, social services and their types, the impact of social services on the infrastructure of microdistricts. neighborhood and social life and economic development of the population.

**Key words:** Social services, innovations, neighborhood, socialization, human capital, development, «Iron Notebook», «Women's Notebook», «Youth Notebook».



<https://doi.org/10.47390/1342V3I3Y2023N13>

Ҳар қандай давлат халқаро даражадаги ўрни ва рақобатбардошлиги нафақат иқтисодиётининг ривожланиш даражаси, балки жамият тараққиётининг ижтимоий ривожланиш ҳолатига ҳам боғлиқдир. Ҳозирги вақтда дунёда жамиятнинг ижтимоийлашув жараёнлари содир бўлмоқдаки, бу ҳолат, ўз навбатида жамиятда инсон капиталининг ривожланиши, меҳнат салоҳиятининг интелектуаллашуви ҳамда инновацияларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларига жорий қилиниши орқали амалга оширилади.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва фан сифими юқори бўлган технологияларга асосланган хизмат кўрсатишнинг устувор ривожланиши ҳар қандай давлатда иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли турмуш сифати ошишининг зарурий шарти инновацион фаолиятни амалга ошириш асосида аниқланади. Инновацион фаолият давлатнинг иқтисодий ва илмий-техник имкониятлари, унинг инновацион йўналишдаги сиёсати ва салоҳияти ҳамда жамиятнинг маънавий ҳолатига бевосита боғлиқдир.

Инновация ўзгаришларнинг яқзол омили сифатида янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, хизмат, технологик жараён, ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга нисбатан янгича ёндашувлар ва янги хизматларга сингдирилган фаолият натижаси сифатида юзага келади.

«Инновация» атамасининг ижтимоий соҳада кенг тарқалиши унинг қўлланиш чегараларини кенгайтирди ва шу билан бирга уни таҳлил этиш ва бошқариш учун муайян даражада янада мавҳумлаштирилган. П.Н.Завлиннинг [1; 4-5 б.] тадқиқотларида ва А.Е.Когут [2; 6-8 б.] таҳрири остида чоп этилган тўпламда «инновация» тушунчасини қўлланилиши инсон фаолиятининг исталган соҳасидаги янгиликни ифодалаш учун, яъни обьектнинг мавжуд ҳолатидан фарқ қилишига олиб келувчи исталган ўзгаришга инновация деб қараш мумкинлиги таъкидланади. Иқтисодий тадқиқотларда ушбу ёндашувдан И.Б.Гурковнинг ишида фойдаланилган: «Инновация – ғоя (фикр) ёки амаллар тарзининг (тизим, дастур, қурилма, жараён, маҳсулот ёки хизмат) қабул қилиниши бўлиб, қўллашга қабул қилаётган ташкилот учун улар янгилик ҳисобланади». Мазкур талқинда инновация деганда амалда ташкилот даражасида турли фаолият соҳасидаги муайян ўзгаришлар тушунилади.

У.Е.Саудер ва А.С.Нашарлар халқаро стандартларга риоя қилган ҳолда инновацияни бозор талабидан келиб чиқиб, янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотларда, амалиётда фойдаланилдиган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараёнларда, ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган янги хизматлар ва янгича ёндашувларда мужассамлашган фаолият натижаси деб қарайдилар.

Республикамизда маҳалла институти ўзини-ўзи бошқариш органи сифатида муайян ҳудуддаги ижтимоий-сиёсий, маданий ва бошқа масалаларда мустақил фаолият олиб борувчи ижтимоий тузилмадир. Сўнгги йилларда мазкур институттга эътибор кучайди. Аҳолининг барча муаммолари энди маҳалланинг ўзида ҳал этиладиган бўлди.

«Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ташкил этилди. Аҳоли билан ишлашнинг «маҳаллабай», «хонадонбай» тизими йўлга қўйилди[3; 1 б.].

Маҳалла, ҳақиқатан ҳам, жамиятимизнинг энг халқчил институти ҳисобланади. Бу маскандаги оила аталмиш қўрғонларда мамлакатимиз тарақ-қиётини ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланмиш инсон зоти шаклланиб, катта ҳётга қадам қўяди. Бу жойларда фаолият кўрсатаётган таълим-тарбия, шифо муассасалари тобора замонавийлашиб, корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари кўпайиб, маҳаллаларнинг инфратузилмалари ривожланиб бораётир[4; 1 б.].

Республикада фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, ўз-ўзини бошқариш органларини аҳолига яқинлаш-тириш, жамият ҳётида маҳалланинг ролини кучайтириш ва фуқаролар йиғинларининг умумий манфаатларини аҳоли турмуш сифатини оширишга қаратилган халқ тузилмаси сифатида шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини эркинлаштириш, уларни халқ эҳтиёжлари ва манфаатларига яқинлаштириш, уларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклик ва ҳамкорлигини ривожлантириш, ҳеч шубҳасиз, пировардида давлат аппарати фаолияти самарадорлигини оширишга, давлатнинг жамият манфаатларига янада кўпроқ хизмат қилувчи институтга айлантиришга қулай имконият яратади. Ҳозирги даврда халқ билан самарали мулоқотни таъминлаш орқали жамоатчилик назоратини такомиллаштириш, нодавлат-нотижорат ташкилотларини, оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, шунингдек, маҳалланинг жамият ҳётидаги ролини кучайтириш назарда тутилмоқда.

Республикамизда маҳаллаларни ривожлантириш дастурига мувофиқ қуйидаги вазифаларни амалга ошириш белгилаб берилган:

1. Маҳаллада мактабгача таълимни ташкил этиш (боғча, уй боғча).
2. Маҳалла ҳудудидаги мактаблар фаолияти (сифими, ўқитувчилар билан таъминланганлиги, моддий таъминоти) ривожлантириш.
3. Аҳоли бандлиги даражасини ошириш (иҳсиз ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунарга ўргатиш мақсадида нодавлат таълим муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш).
4. Аҳоли саломатлигини таъминлаш (соғлом турмуш тарзи, соғлом овқатланиш) бўйича ижтимоий хизматлар кўрсатиш самарадорлигини ошириш;
5. Аҳолини тиббий хизмат билан қамраб олиниши даражасини кенгайтириш.
6. Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини ошириш.
7. Аҳолини уй-жой билан таъминлаш.

Маҳалла тизимида ижтимоий хизматлар бўйича инновацион фаолият юқоридан пастга ва пастдан юқорига қараб иерархия тамойили асосида ривожланиши лозим. Шунга кўра, ҳозирги вақтда ушбу фаолият ҳам миллий даражага, ҳам ҳудудий даражага тегишлидир. Инновацион оқимнинг юқори босқичида (илмий соҳада бошқаришнинг миллий ва ҳудудий даражаси) унинг фаолиятини режалаштириш асосида доимий турадиган хизмат кўрсатиш талаблари тўлиқ аниқланган бўлиши керак. Бу барча даражаларда хизмат кўрсатишни бошқаришни инновацион усулларини жорий қилиш бўйича рағбатлар тизимини реализация қилишга йўналтирилган бўлиши зарур.

Бугунги кунда республикамизда ижтимоий хизматларнинг барча турлари ичида энг кенг тарқалгани ҳали ҳам нафақалар, моддий ва натура кўринишдаги ёрдам беришdir. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ижтимоий хизматлар соҳа жадал суръатларда ривожланмоқда, аҳолининг турли гуруҳлари эҳтиёжларини янада кенгроқ ва тўлиқроқ ҳисобга олиш ҳамда бунинг учун янги инновацион технологиялардан фойдаланиши лозим бўлган янги турдаги ижтимоий институтлар ташкил қилинмоқда.

Ушбу технологиялар ижтимоий хизматлар маркетинг тадқиқотларини ўз ичига олади, бу истеъмолчининг эҳтиёжларини тўлиқ қондириш ва бутун жамият ҳамда аҳолининг айрим гуруҳлари учун максимал ижтимоий самарага эришиш мақсадида ижтимоий соҳада ижтимоий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар томонидан маркетинг технологияларидан фойдаланишdir. Маркетинг технологияларидан фойдаланишда ҳозиргача хизматлар кўрсатишга ихтисослашган кўплаб ижтимоий ташкилотларда раҳбариятнинг асосий эътибори истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини тўлиқ ўрганмасдан ва ҳисобга олмасдан туриб, оператив масалаларни ҳал қилишга қаратилган. Шунингдек, ижтимоий хизматлар ва товарларни ижтимоий хизматлар бозорига чиқариш ёки реклама қилиш бўйича кампаниялар ўтказилмаслиги уларнинг ҳаётйлиги ҳамда давлат ёки маҳаллий бюджетлар томонидан қўллаб-қувватланса ҳам келажақда омон қолиш имконияти пасайтиради.

Ижтимоий соҳада маркетинг хизматларининг энг муҳим хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

- маркетинг муаммоларига ечим топишга тизимли ёндашиш. Бунда «тизимли» категорияси маркетинг хизматлари мажмуасини ривожлантириш, истеъмолчиларга комплекс хизматлар кўрсатиш, ижтимоий хизматлар ишлаб чиқарувчиси олдида турган маркетинг муаммоларини тизимли ҳал этишдан иборат;
- асосий маркетинг муаммоларини ҳал қилишга, шу жумладан маркетинг хизматлари стратегияси ва тактикасини амалга ошириш учун ресурсларни тўплашга эътибор қаратиш;
- истеъмолчиларга хизмат кўрсатишда ихтисослашув ва кооперация, бу хизмат кўрсатиш соҳасидаги рақобатдош устунликлардан фаол фойдаланиш асосида бозорларни эгаллаш ва сақлаб қолиш имконини беради [5; 232 б.].

Аҳолига таклиф этилаётган ижтимоий хизматлар кўпинча маҳаллий жамоаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмайди ва натижада жамият томонидан талаб қилинмайди. Юқори сифатли ижтимоий хизматларга эҳтиёж ортиб бораётган бир шароитда муассасалар ва ташкилотлар уларнинг хизматларига бўлган талабни рағбатлантириш ва мижозларнинг турли гуруҳлари эҳтиёжларини тўлиқ ўрганиш билан шуғулланмаяпти. Бу эса бутун ижтимоий хизматлар соҳа самарадорлигини пасайтиради.

Ижтимоий хизматлар маркетинги ижтимоий ташкилотлар фаолият кўрсатадиган ўзига хос муҳитни, улар бажарадиган миссиянинг мазмунини ва кўрсатилаётган хизматларнинг ўзига хос хусусиятларини тушунишга асосланган маркетингнинг маҳсус тури сифатида ажralиб туради. Ижтимоий ташкилот фаолиятида маркетинг ёндашувидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги қўйидагилар билан боғлиқ:

- ижтимоий хизматлар кўрсатишда хусусий сектор билан рақобат кучаймоқда;

- доимий бюджет тақчиллиги туфайли ижтимоий хизматларни молиялаштиришнинг қисқариши;
- ижтимоий хизматлар бозорида талабнинг табақаланиши замонавий жамиятнинг даромадлар бўйича ижтимоий табақаланиши билан белгиланади;
- жамиятда ижтимоий муносабатларни шакллантиришга, ижтимоий соҳани бошқариш жараёнларини такомиллаштиришга янги ёндашувларни излаш, айниқса ҳаётий эҳтиёжларни қондиришни таъминлайдиган муассасалар ва корхоналарнинг асосий қисми маҳаллий даражада тўпланган.

Ижтимоий хизматларнинг маркетинг технологияларидан фойдаланиш туфайли ҳал қилиниши мумкин бўлган вазифалар орасида учта асосий гуруҳни ажратиб кўрсатиш мумкин:


- истеъмолчилар учун хизматларнинг сифати, нархи, жойи, малакаси ва бошқалар каби энг муҳим хусусиятларига кўра уларга кўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг ишончлилигини ошириш;
- ижтимоий хизматлар – ишлаб чиқарувчиларнинг хизмат кўрсатиш маркетинг режаларини тизимли амалга ошириш асосида рақобатбардошлигини ошириш;
- мижозларга хизмат кўрсатиш хавфсизлиги, бу хизматларга бўлган талабни қондиришда нафақат жисмоний хавфсизлик, балки иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқаларни ҳам назарда тутади.

Ижтимоий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятида бозор шароитида маркетинг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга бўлиши керак. Маркетинг тадқиқотлари ижтимоий хизматлар бозорини ўрганиш бўлиб, у маълум бир ҳудудда маълум бир хизматга бўлган эҳтиёжни баҳолаш учун зарур бўлган маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва прогнозлашни ўз ичига олади.

Ижтимоий хизматлар соҳасида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш мавжуд муаммоларни аниқлаш, зарурий ахборотларга эҳтиёжларни аниқлаш, бирламчи ва иккиламчи тавсифга эга ахборотларни тўплаш, тадқиқот усусларини ишлаб чиқиш, бадқиқотни бажариш (интервью ўтказиш), ахборотларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш ҳамда тадқиқот натижалари бўйича хулосалар чиқаришдан иборат босқичлар тартибидан иборат бўлади (3.1-расм). Бизнинг фикримизча, истеъмолчиларнинг хулқатворини ўрганиш ижтимоий хизматларнинг сифат даражасини очиб беради. Бундай тадқиқотлар ўрганиш учун ўтказилиши керак:

- ижтимоий хизматлар истеъмолчиларининг кўрсатилаётган хизматлар рўйхатидан қониқиши;
- истеъмолчиларнинг олинган хизматлар ҳажмидан қониқиши;
- ижтимоий ишчи (ижтимоий ташкилот ходими) билан бўладиган ўзаро муносабатлар жараёнидан қониқиши.

Шундай қилиб, ижтимоий хизматлар бозорининг ривожланиши ижтимоий ташкилотлар фаолиятида маркетинг технологияларидан фойдаланиш муаммосини тобора долзарблаштирум оқда. Маркетингнинг инновацион компоненти ижтимоий ташкилотга барча турдаги инновациялар ва маркетинг фаолияти усусларини жорий этишни жадаллаштириш билан боғлиқ бўлиб, бу унга узоқ муддатда барқарор рақобатдош устунликни таъминлайди.



**3.1-расм. Ижтимоий хизматлар соҳасида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш тартиби**

Ижтимоий ташкилотлар томонидан инновацион маркетинг технологияларининг барча турларидан фойдаланиш нафақат битта ташкилот томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш, балки бутун ижтимоий хизматлар бозори ривожланишининг янги босқичига ўтиш ва аҳоли эҳтиёжларни энг яхши қондириш имконини беради. Ҳозирги вақтда ижтимоий хизматлар соҳасининг устувор йўналишлардан бири ижтимоий ишнинг инновацион ривожланиши жараёни ҳисобланади. Республикаизда ижтимоий хизмат кўрсатиш ташкилотлари фаолиятини кенгайтириш, мижозлар билан ишлаш усуллари ва шаклларининг хилма-хиллигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ўзига хос хусусиятларга эга. Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитда турли усулларни қўллаган ҳолда одамларнинг турмуш сифатини яхшилаш, ижтимоий хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича муентазам фаол тадбирларни амалга ошириш зарур. Мижозлар билан ишлаш самарадорлигини оширишга йўналтирилган анъанавий хизматлардан ташқари, инновацион хизматлар бўйича усулларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш зарурати мавжуд.

Замонавий шароитда ижтимоий иш жамиятдаги ижтимоий катаклизмлар ва низолар учун кучли тўсиқ бўлиб, давлатнинг ижтимоий соҳага ресурсларни тақсимлаш қобилиятига боғлиқ бўлган рационалликдир [6; 232 б.]. Ижтимоий фаолият қийин ҳаётий вазиятга тушиб қолган одамларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш нуқтаи назаридан ҳам қаралади.

Шундай экан, инновация оддий ҳодисаларга бошқа томондан қарашга ва янада амалий ва қимматли нарсаларни яратишга ёрдам беради. Инновацион фаолият барча соҳа мутахассисларини юқори сифатли натижаларга эришишга имконият яратади.

Бизнинг фикримизча, ижтимоий соҳага инновацион технологияларни жорий қилиш мақсадида қўйидаги омиллар самарали ва долзарб ҳисобланади:

- маҳалла тизимида ижтимоий хизматлар кўрсатишни ривожлантириш учун ресурсларнинг етишмаслиги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг янги, арzonроқ усулларини излашни зарурат қилмоқда;
- маҳалла тизимида аксарият ижтимоий муаммоларнинг кескинлашуви, уларни ҳал қилишда инновацион ёндашувларни ишлаб чиқишни талаб қиласди;
- мамлакатимиз учун инновацион бўлган кўплаб хорижий ижтимоий технологиялардан фойдаланишга олиб келувчи жамиятда очиқ сиёсатнинг амалга оширилиши;
- корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий соҳадаги хизматлари сифатига талабларни кучайтириш тенденцияси;
- янги ахборот технологияларидан фойдаланишга асосланган очиқ ахборот жамиятини яратиш истаги.

Ушбу омилларнинг ижтимоий соҳага таъсири маҳалла тизимида хизматлар кўрсатишнинг янги тушунчалари, усуллари ва технологияларини жорий этиш заруриятини юзага келтирмоқда.

Ижтимоий хизматлар тизимини инновацион бошқаришнинг асосий мақсадларини ажратиб кўрсатиш муҳимдир. Буларга мижозларнинг мустақиллигини ошириш, уларнинг ҳаётини назорат қилиш қобилиятини ривожлантириш ва юзага келадиган муаммоларни самаралироқ ҳал қилиш киради [7; 232 б.].

Турли категориядаги фуқаролар билан ишлашнинг асосий шакли ижтимоий касалликларнинг олдини олиш ҳисобланади. Ижтимоий хизматларни кўрсатишда бу кўплаб ижтимоий муаммолар ва қийинчиликларни келтириб чиқарадиган сабабларни аниқлаш ва бартараф этишини англатади. Шу муносабат билан турли хил оғишларнинг, яъний ахлоқий, жисмоний, ақлий, ижтимоий ва бошқаларни ўз вақтида олдини олиш зарур [8; 232 б.].

Маҳалла тизимида ижтимоий хизматлар кўрсатишда асосий рол шубҳасиз, шахснинг ўзини ўзи ривожлантиришига кўмаклашиш, унинг ижодий салоҳияти, қобилияtlари, мойилликларини рӯёбга чиқариш, ўз муаммоларини ҳал қилиш учун саъй-ҳаракатларни кучайтиришга қаратилган.

Ҳолбуки, жамият ва давлат шахс шаклланишига таъсир кўрсатаётганда нафақат ижтимоий институт сифатида оиласа эътибор қаратиши, балки унинг салоҳиятини мустаҳкамлаши ҳам зарур. Шунингдек, оиласа ва яаш жойидаги муносабатларни тиклаш ва меъёрлаштириш жараёнларига таъсир кўрсатиш лозим.

**Хулоса.** Биз, маҳалла тизими, жамоат тузилмалари воситалари ва имкониятларини турли ёш босқичларида ва унинг микромухитининг тубдан фарқли соҳаларида шахснинг узлуксиз ривожланиши ва ўзини ўзи англашига ҳисса қўшадиган воситалар ва имкониятларни бирлаштириш зарурлигига эътибор қаратдик.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини кўрсатишда ёндашувларни такомиллаштириш, муассасалар томонидан аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг янги шакллари ва турларини ишлаб чиқиши кафолатлашнинг муҳим йўналишларидан бири рақамли ижтимоий хизматлар кўрсатиш орқали аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларини тўлиқ қамраб олиш ва уларни мунтазам мониторингини амалга ошириш назарда тутилади. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ижтимоий хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар билан тўлдирилади.

Инновацион фаолият таҳлили инновацион илмий тадқиқотлар ва технологияларни амалиётга жорий этиш имконияти ва зарурлигидан далолат беради, чунки улар замонавий фуқаролик жамиятининг ижтимоий муаммоларини сифатли ҳал қилишга имкон беради. Бироқ, инновацион технологиялардан бирини жорий қилишда улар нима учун эканлигини аниқлаш лозим. Ушбу инновацион технологиялар инсон манфаатларига йўналтирилиши керак.

Ҳозирги кунда республикамиз маҳаллаларда аҳолини зарур юқори сифатли ижтимоий хизматлар билан таъминлашга йўналтирилган тўлақонли ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини ривожлантириш зарур бўлиб, бизнинг фикримизча улар қўйидагилардан иборат бўлиши керак:

1. Бугунги кунда маҳаллаларда ижтимоий хизматлар кўрсатишни ташкил этишда ягона бошқарув ёндашувига асосланган хизмат кўрсатишини рақамлаштириш натижасида аҳолига замонавий хизматлар кўрсатиш бўйича инновацион менежментни жорий этиш мақсадга мувофиқдир: мақсадли истеъмолчи субсидиялари технологияси (ижтимоий ваучерлар) ва ижтимоий хизматларга буюртма бериш технологияси.

2. Нодавлат (хусусий) ижтимоий институтлар (кичик қувватли, оиласи тиpdаги муассасалар, мавсумий яаш жойлари, ёшлар ва хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-

қувватлаш марказлари, ижтимоий меҳмонхоналар) очилиши учун шарт-шароитлар яратиш.

3. «Аҳолига ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш» худудий мақсадли дастурларини реализация қилиш. Ушбу дастурлар доирасида ижтимоий хизматларга муҳтож аҳолининг энг заиф гуруҳларига ёрдам кўрсатишга қаратилган кичик дастурларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

4. Аҳолининг ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари тўғрисида тўлиқ хабардор бўлишини таъминлаш; ушбу мақсадларда ижтимоий рекламанинг салоҳияти ва каналларидан фойдаланиш.

5. Аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг инновацион технологияларини фаолроқ жорий этиш, аҳолининг турли категориялари эҳтиёжларини қондириш учун таклиф етилаётган хизматлар бозорини кенгайтириш. Хусусан, қўшимча ва пуллик ижтимоий хизматлар рўйхатини кенгайтириш лозим.

6. Маҳаллаларда фаолият юритаётган тадбиркорлик тузилмаларининг хайрия ва ижтимоий фаолият институтини, қисман ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат шериклигини ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш ва қўллаб-қувватлаш.

#### **Адабиётлар/Литература/References:**

1. Янги Ўзбекистон. № 99 (621), 2022 йил 19 май, пайшанба. 1 саҳифа.
2. Истиқлол йўли. 2022 йил 28 январ № 4 (8401). 1 саҳифа.
3. Безрутченко Ю.В. Маркетинг в социально-культурном сервисе и туризме: учебное пособие.- М.: Изд-во «Дашков и К», 2009, -232 с. – С. 18.
4. Холостова, Е. И. Социальная политика и социальная работа / Е. И. Холостова. – М.: ИТК Дашков и К, 2011. – С.1–5.
5. Колесов, В. И., Еременко, Н. Н. Социально-экономические проблемы в управлении социальной работой в России В. И. Колесов, Н. Н. Еременко // Вестник Костромского государственного университета им. Н. А. Некрасова. – 2008. – № 3. – С. 222–223. – Т. 14. (Серия: Педагогика. Психология. Социальная работа. Ювенология. Социокинетика).
6. Завлин Г.Ш. Инновации в рыночной экономике // Гуманитарные науки. 1997, №3. с. 4-5.
7. Преобразование научно-инновационной сферы в регионе: понятийный аппарат / РАН. Институт социально-экономических проблем, Сер. Теория и практика управлений научно-инновационной сферой в регионе / Под. ред. А.Е.Когута. СПб., 1995, с. 6-8.
8. Гурков И.Б. Инновационное развитие и конкурентоспособность. Очерки развития российских предприятий. М.: ТЕИС, 2003. с. 8.
9. Саудер У.Е., Нашар А.С. Руководство по наилучшим методам трансфера технологий // Управление инновациями. М., Дело-лтд, 1995.
10. O'zbekistonni rivojlantirish strategiyasi. fuqarolik jamiyati. (o'quv uslubiy majmua). Т.: 2019. – В. 67.
11. Безрутченко Ю.В. Маркетинг в социально-культурном сервисе и туризме: учебное пособие.- М.: Изд-во «Дашков и К», 2009, -232 с. – С. 18.
12. Холостова Е.И. Социальная работа / Е.И. Холостова, Г.И. Климантова М.: Дашко. – 2014г. – 752 с.

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*N<sup>o</sup> 3 (3) – 2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**" электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).